*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ШАНБА СОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ✦ № 104 (9350). • 1988 йил 28 май • Баҳоси 3 тийин.

*Ўн биринчи чақириқ СССР Олий Советининг тўққизинчи сессияси*

# ХАЛҚ МАНФААТЛАРИ ВА ҚАЙТА ҚУРИШ ЙЎЛИДАН

### ИТТИФОҚ СОВЕТИ ВА МИЛЛАТЛАР СОВЕТИНИНГ ҚЎШМА МАЖЛИСИ

Соат 15 да Катта Кремль саройида Иттифоқ Совети билан Миллатлар Советининг учинчи қўшма мажлиси бошланди.

Депутатлар ва меҳмонлар **М. С. Горбачев, В. И. Воротников, А. А. Громико, Л. Н. Зайков, Е. К. Лигачев, В. П. Никонов, Н. И. Рижков, М. С. Соломенцев, В. М. Чебриков, Э. А. Шеварднадзе, В. В. Шчербицкий, А. Н. Яковлев, П. Н. Демичев, В. И. Долгих, Ю. Д. Маслюков, Г. П. Разумовский, Ю. Ф. Соловьев, Н. В. Техтализин, Д. Т. Язов, О. Д. Бакланов, А. П. Бирюкова, А. Ф. Добринин, А. И. Лукьянов, В. А. Медведев, И. В. Капитонов** ўртоқларни қарсаклар билан кутиб олдилар.

Мажлисда Миллатлар Советининг Раиси **А. Э. Восс** раислик қилди. Палаталарнинг алоҳида-алоҳида мажлисларида КПСС XXVII съезди қарорлари асосида уй-жой ва маданий-маиший қурилиш программаси бажарилишини таъминлаш борасида совет ва хўжалик органларининг иши тўғрисидаги масала муҳокама қилиниб бўлди, деди у.

Иккала палата бир вақтда овоз бериб, кўрилган масала юзасидан СССР Олий Советининг қарори қабул қилинади.

СССРда кооперация тўғрисидаги Қонун лойиҳасини муҳокама қилиш чоғида кўпдан-кўп таклифлар айтилди. Уларнинг ҳаммаси палаталарнинг доимий комиссияларида ҳукумат вакиллари иштирокида диққат билан ишлаб чиқилди ва муҳокама қилинди. Иттифоқ Совети Агросаноат комплекси комиссиясининг **раиси А. Ф. Пономарев** шу ишнинг натижалари ҳамда қонун лойиҳасига ва СССР Олий Советининг қарорларига таклиф этилган ўзгартишлар тўғрисида маълумот берди.

(Давоми 2-бетда).



## БУГУН — ЧЕГАРАЧИЛАР КУНИ

✦ БЕПОЁН Ватанимизнинг осойишталиги ва тинчлиги чегарачилар томонидан мустаҳкам қўриқланади. Улар ҳар қандай дақиқада ҳам хушёрлик ва зийраклик намуналарини кўрсатишга шайдирлар. СУРАТЛАРДА: (юқоридан пастга) бўлинма жанговар машқда; чегарадан олиб ўтилаётган буюмларни текшириш пайти.

В. Христофоров фотолари. (ТАСС).





## ЭРТАГА СССР БОЖХОНА ХИЗМАТИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНИГА 70 ЙИЛ ТЎЛАДИ

✦ ТОШКЕНТ божхона хизмати ўзининг кўп йиллик фаолияти давомида мамлакат божхона коллективи ўртасида эълон қилинган социалистик мусобақада уч марта совринли ўринни эгаллади. Бу соҳа хизматчилари Ватанимиз меҳмонларини биринчи бўлиб кутиб оладилар ва кузатиб қўядилар. СУРАТЛАРДА: (юқоридан пастга) Тошкент божхонаси инспекторлари В. Балакшин билан Р. Масантовалар ўз хизматларини адо этишмоқда.

Ф. Қурбонбоев фотолари (ЎзТАГ).



## ЭЪТИҚОДИМИЗГА СИНОВ

Кеча матбуотда эълон қилинган КПСС Марказий Комитетининг XIX Бутуниттифоқ партия конференциясига Тезисларида коммунистлар ижтимоий-сиёсий аттестациясини ўтказиш мақсадга мувофиқ эканлиги ҳақидаги масала алоҳида кўрсатиб ўтилди.

Бу тадбир ўз сафларига 90 нафар коммунистни бирлаштирган бизнинг совхоз партия ташкилотимизда юксак талабчанлик билан ўтмоқда. Ҳозиргача КПСС аъзоларидан тўрт киши комиссия аъзолари томонидан салбий баҳоланди.

Ҳисобимиздаги коммунистлардан 63 таси аттестациядан ўтиши керак. Шу кунгача бу покланиш имтиҳонидан 42 нафар КПСС аъзоси ўтди. Лекин аттестация давомида баъзи партия аъзоларининг ижтимоий ҳаётда пассив, ғоявий эътиқодлари мустаҳкам эмаслиги, бошқа камчиликларга йўл қўйганликлари маълум бўлиб қолди. Бошланғич партия ташкилоти улардан Р. Ражабова, Б. Мелибоевaларни КПСС сафидан чиқариш ҳақида қарор қабул қилди. Район партия комитетининг бюроси бошланғич ташкилотимизнинг бу қарорини тасдиқлади.

Биз Тезисларда коммунистлар аттестациясини ўтказиш ҳақидаги фикрлар жуда ўринли бўлган деб ҳисоблаймиз.

**Н. КАРИМОВ,**
**Бекобод районидаги «Октябрь 46 йиллиги» совхози партия ташкилотининг секретари.**

## Бунёдкорлик даври

КПСС Марказий Комитетининг Бутуниттифоқ XIX партия конференциясига Тезисларини катта қизиқиш билан ўқиб чиқдим. Унда таъкидланганидек, ҳақиқатда ҳам қайта қуришнинг амалдаги натижаси ҳозирданоқ ҳаётимизда ўз аксини топа бошлади. Бошқарувнинг маъмуриятчилик усуллари барҳам топаяпти. Кўпгина социал масалаларга эътибор кучайди. Буни биз қурувчилар ҳам ўз ишимизда сезиб турибмиз. Меҳнаткашлар учун тобора кўпроқ турар-жой бинолари, маданий-маиший объектлар, болалар боғчалари ва мактаблар қураяпмиз. Аҳолининг турмуш даражаси яхшиланаётганлиги учун ҳам меҳнат активлиги ортиб бораяпти. Давримизни ҳақиқий маънода кўлами кенг бунёдкорлик ишлари даври, дейиш мумкин.

**Э. БИРЮКОВА,**
**160-трест пардозловчиси,**
**Чирчиқ шаҳри.**

# СССР Олий судининг фаолияти тўғрисида ҳисобот

## *СССР Олий судининг раиси депутат В. И. ТЕРЕБИЛОВ доклади*

КПСС Марказий Комитетининг 1988 йил февралида бўлиб ўтган Пленуми, деди у, давлатимиз ҳаётини революцион қайта қуришга жуда катта ҳисса қўшди. Пленумда М. С. Горбачев, жумладан «жамиятни демократиялашни янада чуқурлаштиришга қаратилган йўл социалистик қонунчиликни изчиллик билан мустаҳкамлашни тақозо этиши»ни яна бир бор таъкидлади. Бу эса, бизнинг тушунишимизча, СССР Олий судининг фаолияти ҳам янги қонунларни, янгича тафаккурни ҳамда давлат ва жамоат ҳаётининг кўпгина муҳим масалаларига баҳо беришдаги янгича ёндашувни ҳисобга олиб, янада чуқур такомиллаштиришга муҳтож деган маънони билдиради.

СССР Олий суди сўнгги йилларда биринчи инстанциядаги суд сифатида ишларни анча тез-тез кўриб чиқа бошлади, яъни ўзининг энг муҳим вазифасини бажара бошлади. Олий суд фаолиятидаги бундай бурилишнинг сабаби шундаки, қайта қуриш ва янгиланиш давомида мамлакатда давлат интизомини бузиш, порахўрлик, ўғирликка қарши муросасиз кураш авж олиб кетди. Партия ва халқ ҳамманинг қонун олдида тенг эканлиги принципини изчиллик билан ўтказишни талаб қилди.

Ана шундай шароитда бир қанча катта ва мураккаб ишларни кўриб чиқишни СССР Олий суди бевосита ўз зиммасига олишни зарур деб топди. Ана шу ишлар юзасидан ўтказилган суд процесслари айбдорларга ҳақли жазо беришгина эмас, шу билан бирга тегишли министрлик ва идоралардан жиноят содир бўлишига кўмаклашган салбий ҳодисаларни қатъият билан тугатишни талаб қилишга имкон берди.

СССР Олий суди фаолиятининг суд практикасига таъсир ўтказишга имкон берадиган бошқа бир муҳим йўналиши— энг мураккаб ва муҳим ишларни — илгари бевосита иттифоқдош республикалар олий судларида кўриб чиқилган ишларни назорат тарзида текширишдир.

СССР Олий суди ишини қайта қуриш дастлабки тергов материалларига баҳо беришга янада пухтароқ ва янада талабчанлик билан ёндашув йўлидан, бинобарин гражданларнинг шикоятларини янада зўр диққат-эътибор билан ва адолатли ҳал этиш йўлидан бормоқда.

СССР Олий судининг бундай иш практикаси маълум даражада иттифоқдош республикалар судларининг иши сифатига ҳам ижобий таъсир қила бошлади.

СССР Олий суди назорат тартибида ҳукмларни бекор қилиб ва ўзгартириб, конкрет иш юзасидан йўл қўйилган хатоларни тузатишга интилибгина қолмай, ўз қарорлари билан судларга у ёки бу категориядаги ишлар юзасидан қонунни қандай қилиб тўғри қўлланиш хусусида кўрсатма ҳам бермоқда. Бунда кўпгина суд хатолари, масалан, мансаб ва хўжалик жиноятлари ишларини кўриб чиқишдаги хатолар 70-йиллардаги иқтисодий сиёсатда юз берган бузилишларнинг ўзига хос ифодаси эканлигини, яъни бошқариш ҳаддан ташқари марказлаштирилганлигининг, хўжалик раҳбарлари ҳаракатлари асоссиз равишда қаттиқ чеклаб қўйилганлигининг натижаси эканлигини ҳисобга олмай бўлмайди. Бу эса кўпинча амалдаги инструкциялар ва буйруқларни расмий бузишга олиб келди, судлар эса афсуски, бундай бузилишларни айбловчи ҳукм чиқариш учун етарли деб ҳисоблаб келдилар.

СССР Олий суди фаолиятида қуролли кучлардаги қонунчиликни мустаҳкамлаш масалалари тегишли ўрин олган. СССР Олий судининг ҳарбий коллегияси қўмондонлик ва сиёсий органлар билан алоқада бўлиб, салбий ҳодисаларга қарши самарали кураш олиб боришга қаратилган зарур чораларни кўрмоқда.

Қайта қуриш йилларида СССР Олий суди ўттизинчи— қирқинчи йилларда ўта хавфли давлат жиноятлари учун деб ғайриқонуний равишда чиқарилган ҳукмлар устидан шикоятларга анча кўпроқ эътибор бера бошлади. Сўнгги уч йил ичида СССР Олий суди ана шу ишлар юзасидан салкам 400 кишини оқлади.

Назорат вазифаларини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган ишларни қайта қуриш тўғрисида гапирганда, биз бу соҳада ҳали ҳамма ишни амалга оширмаганлигимизни яққол кўриб турибмиз. Манфаатдор шахслар СССР Олий судига иккинчи ва ҳатто учинчи марта мурожаат қилгандан кейингина уларнинг шикоятини узил-кесил ҳал қилиш ҳоллари ҳали ҳам учраб турибди.

СССР Олий суди фаолиятининг асосий йўналишларидан бири, деб таъкидлади сўнгра нотиқ, амалдаги қонунларни тўғри ва бир хил қўлланиш юзасидан судларга раҳбарлик қилиб тушунтириб беришдан иборат, СССР Олий суди ана шу мақсадда турли категориядаги ишларни вақти-вақти билан ўрганиб, шу асосда у ёки бу қонунни амалда қандай қўлланишни судларга тушунтириб беради.

СССР Олий суди пленумининг 1986 йил 18 апрелдаги «КПСС XXVII съезди қарорлари асосида одил судловни амалга ошириш ва қонунчиликни мустаҳкамлаш юзасидан суд фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорини суд ишини қайта қуриш учун принципиал аҳамиятга эга бўлган қарор деб ҳисоблаймиз. Бу қарорда СССР Олий суди Конституцияда белгилаб қўйилган судларнинг мустақиллиги ва уларнинг фақат қонунга бўйсуниш принципи уларнинг зиммасига суд ишларини ҳал қилишга аралашув йўлидаги ҳар қандай уринишларнинг қатъиян олдини олиш ва уларни рад этиш вазифасини юклашини таъкидлади.

СССР Олий судининг пленуми гражданларни асоссиз равишда ҳукм қилиш қонунни энг қўпол равишда бузиш эканлигини эътиборга олиб, ҳар бир ана шундай ҳолда гражданнинг шаъни ва қадр-қиммати, унинг меҳнат, мулкий ва уй-жойларга бўлган ҳуқуқлари ҳамда бошқа ҳуқуқлари тўла тикланишини, шунингдек асоссиз равишда ҳукм қилишда айбдор бўлган кишиларни жиноий жавобгарликка тортиш чораларини кўришни талаб қилди.

Социалистик мулкка тажовуз қилиш, турли суиистеъмоллар, порахўрлик ва хўжасизликка қарши курашни кучайтириш мақсадида Пленум давлат ва жамоат мулкини ўғирлаш, давлат ҳисоботига қўшиб ёзиш ишлари юзасидан суд процесслари самарадорлигини оширишга қаратилган қарорлар қабул қилди. Бу қарорларда эътибор хусусан барча айбдор шахсларни қонунга мувофиқ жавобгарликка тортиш зарурлигига, шу билан бирга етказилган моддий зарарни тўла қоплаш учун конкрет чоралар кўриш зарурлигига қаратди.

Пленум экология муаммолари аҳамиятининг ортиб бораётганлигини ҳисобга олиб, 1986 йил январида СССР Олий Совети 1985 йил 3 июлда чиқарган «Табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш тўғрисидаги қонун талабларига риоя қилиш ҳақида»ги қарорини судлар қандай бажараётганлиги масаласини кўриб чиқди.

Спиртли ичимликларни сотиш ва истеъмол қилишни камайтиришга доир чора кўрилаётган бир пайтда спиртли ичимликлар билан чайқовчилик қилиш ва самогон тайёрлаш кўпайиб бораётганлиги алоҳида ташвиш туғдирмоқда. Судларга, жумладан, сотиш мақсадида самогон тайёрлаш билан шуғулланаётган кишиларнинг мол-мулкини мусодара қилиш тўғрисидаги қонун талабларига оғишмай амал қилиш, таъсир ўтказишнинг бошқа моддий-иқтисодий чораларини кучайтириш таклиф этилди. СССР Олий суди бу ишни гиёҳвандлик ва заҳарвандликка қарши курашга доир суд фаолияти самарадорлигини ошириш билан мустаҳкам боғлади.

Балоғатга етмаган ёшлар орасидаги жиноятчилик ҳамон жиддий муаммо бўлиб турибди. Улар қилаётган жиноятлар сони анчагина, ҳукм қилинганлар орасида ўсмирлар салмоғи эса 1987 йилда ҳатто бир мунча кўпайди.

Пленум ана шу ишлар юзасидан суд практикасини кўриб чиқди, судларга ҳар бир иш юзасидан айбланувчининг шахси, унинг турмуш шароити, тарбияси юзасидан маълумотларни ҳар томонлама аниқлаш, энг муҳими эса жиноят қилишда қатнашган катта ёшдаги кишиларни, шунингдек ўсмирларни жиноий фаолиятга ва жамиятга қарши қаратилган бошқа фаолиятга жалб этаётган шахсларни аниқлаш ва жазолаш зарурлигини кўрсатди.

Сўнгги вақтда СССР Олий суди пленумида мамлакатни иқтисодий жиҳатдан янада ривожлантириш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш билан маълум даражада боғлиқ бўлган жиноий ва граждан ишлари муҳим категориялари муҳокама қилинди.

СССРнинг ташқи иқтисодий алоқалари ўсганлигини ҳисобга олиб ва бу соҳани тартибга солиб турувчи қонунларга қатъий риоя этиш мақсадида СССР Олий судида СССР савдо-саноат палатаси ҳузуридаги денгиз арбитраж комиссияси қарорлари устидан тушган шикоятлар ва протестларни кўриб чиқиш практикаси муҳокама қилинди. 1987 йилда судларнинг СССР иқтисодий зонасини муҳофаза қилишга таллуқли қонунларни қўллаши тушунтириб берилди.

Сўнгги вақтда, деди нотиқ, суд фаолиятини қайта қуришда қандайдир силжишлар, қандайдир натижалар борми, деган савол тез-тез берилмоқда. Бу осон савол эмас. Сўнгги уч йил ичида суд ишида баъзи силжишлар кўзга ташланиб қолди, дейиш учун асослар бор, деб ўйлайман. Партия ва давлат кўраётган ташкилий, социал, иқтисодий ва ҳуқуқий чоралар бизнингча, судланиш даражаси ва динамикасига сезиларли таъсир ўтказди. Арзимаган ҳуқуқ бузишлар учун жиноий жазо чораларини қўлланишдан воз кечиш тенденцияси бизнингча, тўғри тенденциядир. 1987 йилда оғир жиноятлар учун ҳукм қилинган шахслар сони тахминан учдан бир баравар камайди. Буни ҳам қайта қуриш самараси, дейиш мумкин. Сўнгги йилларда судлар дастлабки тергов материалларига талабчанлик билан баҳо берадиган бўлиб қолдилар. Суд ишлари материаллари сифатига талаб ошганлигини ҳам қайта қуриш натижаси деб ҳисоблаймиз. Бунда ошкораликнинг янги, янада юксак даражаси ҳамда оммавий ахборот воситаларининг ғоят актив позицияси муҳим роль ўйнади.

Судлар олдида турган муҳим вазифалардан бири ҳуқуқбузарларни адолатли жазолабгина қолмай, шу билан бирга уларни тарбиялашдан иборат. Давлат асоссиз равишда қаттиқ жазолашга муҳтож эмас, лекин суд практикаси ашаддий жиноятчиларга нисбатан оқлаб бўлмайдиган кўнгилчанлик томонига «оғиб» кетмаслиги учун уни диққат билан кузатиб туриш лозим, албатта.

Сўнгра СССР Олий судининг раиси бундай деди: одил судловни амалга оширишдаги баъзи тенденцияларни ижобий деб атар эканмиз, биз асосий вазифаларнинг ҳаммаси ҳозирнинг ўзидаёқ ҳал қилинди, деб айта олмаймиз. Суд ишларининг сифати бизни ҳамон жуда ташвишга солмоқда. Суд хатолари замирида кўпинча гражданларнинг энг муҳим ҳуқуқларини қўпол равишда бузиш ҳоллари ётади. Бу эса ҳар бир ана шундай ҳолни фавқулодда ҳодиса деб ҳисоблашга мажбур қилади.

Докладчи суд хатоликларини тугатиш биринчи навбатда судьяларнинг иш сифати ва шахсий фазилатларига боғлиқ, деб таъкидлади. Лекин, шу билан бирга, суд фаолиятини қайта қуриш чоғида, бизнинг фикримизча, баъзи умумий масалаларни ҳам ҳал этиш зарур. Тергов аппаратини бошқатдан тузиш, уни мустақил қилиб, фаолиятининг нечоғлик қонуний бўлаётганлиги устидан ҳақиқий прокурор назоратини ўрнатиш керак. Терговда ва судда адвокатура ролини қатъиян кўтариш лозим. Жиноят қилган, деб шубҳа этилган шахсларни судгача қамоқда тутиш практикасини қаттиқ назорат остига қўйиш керак. Асос бўлса, суд кимда-ким нашр этган бўлмасин, қонун ёки Конституцияга зид ҳар қандай норматив актни қонунга қарши, деб топиш ҳуқуқига эга бўлиши даркор. Қамаш жойи давлат ҳисобидан жазо муддатини ўташ жойи эмас, балки қайта тарбиялаш жойи бўлиб қолмоғи керак.

СССР Олий суди XIX Бутуниттифоқ партия конференциясига тайёргарлик давомида суд ишларини янада қайта қуриш юзасидан таклифлар тайёрлашда ғоят фаол иштирок этади. Қайта қуриш давомида СССР Олий суди тўғрисидаги қонунга ҳам қўшимчалар киритилади, деб умид қиламиз. Бизнингча, СССР Олий судининг ваколатларини кенгайтириш, одил судлов органлари системасида ҳам, бошқа давлат органлари системасида ҳам СССР Олий судининг ўрни ва ролини янада аниқроқ ҳамда тўлароқ белгилаб бериш зарурати етилди. Ҳозир амалдаги қонунларга туб ўзгартишлар киритилаётганлигини ҳисобга олиб, биз СССР Олий суди томонидан олдин қабул қилинган қарорларни ўрганиб чиқамиз ҳамда уларга тегишли ўзгартишлар ва қўшимчалар киритамиз. «Давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисида»ги қонун аниқ бажарилишини суд— ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш СССР Олий суди иш планларида алоҳида ўрин тутади. «СССРдаги кооперация тўғрисида» ҳозиргина қабул қилинган қонун ҳам судлар олдига янги вазифалар қўяди. «Мансабдор кишиларнинг гражданлар ҳуқуқларини камситувчи ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш тартиби тўғрисида» СССР қонуни кучга киритилиши муносабати билан биз шу йилнинг ўзидаёқ СССР Юстиция министрлиги ва СССР Прокуратураси билан биргаликда ана шу қонун актини практикада қўлланишни ўрганамиз.

СССР Олий суди амалга оширилаётган қайта қуриш давомида ўз зиммасига юклатилган вазифаларни муносиб равишда бажариши учун ўзига боғлиқ бўлган ҳамма чораларни кўраверади. [Қарсаклар]. [ТАСС].

**Доклад қисқартириб босилмоқда.**

# ХАЛҚ МАНФААТЛАРИ ВА ҚАЙТА ҚУРИШ ЙЎЛИДАН

**[Давоми. Боши 1-бетда].**

Анчагина шундай таклифлар айтилди, бу таклифларни амалга ошириш ҳукумат актларини қабул қилишни тақозо этади, деди нотиқ. Бу таклифлар тегишли чораларни амалга ошириш учун СССР Министрлар Советига топширилади ва улар ҳақида депутатлар хабардор қилинади.

Нарх, солиқ, фойда, қарз каби иқтисодий омилларни бир-бирига қаттиқ боғлаган ҳолда улардан янада амалий фойдаланиш зарурати тўғрисида ҳам гапирилди. Шу масалаларнинг бир қисми, деди нотиқ қонуннинг мукаммал ишланган лойиҳасида ҳал этилган. Ҳукумат органлари компетенциясига тааллуқли бошқа таклифлар белгиланган тартибга мувофиқ СССР Министрлар Советига кўриб чиқиш учун юборилади.

Таклифларнинг анча қисми кооперативларни бошқариш ҳамда хўжалик юритиш механизмини такомиллаштиришга таалуқли бўлди. Таҳлил қўйилган ва моҳиятан жуда тўғри ҳамда қизиқарли кўпгина масалаларни ҳал этиш учун қонун лойиҳасига бирон-бир қўшимча ва аниқликлар киритиш талаб этилмаслигини ҳамда улар қонун лойиҳасида, шунингдек амалдаги нормалар қонунларида бўлганлари асосида ҳал этилиши мумкинлигини кўрсатди.

Бир қанча нутқларда кооперативларнинг моддий-техника таъминотини яхшилаш масалалари тилга олинди. Шу масалани ҳал этишни таъминловчи чоралар қонунда давлат буюртмаларига нисбатан қисман кўзда тутилган, шунингдек улгуржи савдони ривожлантириш жараёнида амалга оширилади.

Шу билан бирга комиссиялар депутатларнинг бир қанча таклифларини Олий Совет қабул қилиши учун тавсия этиш мумкин эмас, деб топди.

Нотиқ колхозчилар учун ишчилар ва хизматчиларга белгиланганига баравар қимматдаги пенсиялар тайинлаш шартларини жорий этиш муддатлари тўғрисидаги масалага тўхталди. Маълумки, даставвал буни 1991 йил 1 январдан бошлаб ҳал этиш мўлжалланганди. Комиссиялар ўзининг хулосасида ушбу проблемани ҳал этишни тезлатишни таклиф этдилар. Сессиядаги бир қанча нутқларда ҳам масала шу тарзда қўйилди. Аммо буни адо этиш осон

**[Давоми 3-бетда].**

# ХАЛҚ МАНФААТЛАРИ ВА ҚАЙТА ҚУРИШ ЙЎЛИДАН

(Давоми. Боши 1-, 2-бетларда).

гап эмас ва бунга ёндашувлар ҳар хил бўлиши мумкин. Комиссиялар яқин фурсатда пенсиялар тўғрисида янги қонунни кўриб чиқиш мўлжалланаётганлигини назарда тутиб, айни колхозчилар учун пенсия таъминоти янги шартларини биринчи навбатда жорий этиш тўғрисидаги низомни СССР Олий Совети қарорининг лойиҳасига киритишга қарор қилди.

«СССРда кооперация тўғрисидаги Қонун» комиссияларнинг хулосасида баён қилинган ўзгартишлар ва қўшимчаларни, шунингдек, депутатлар сессияда айтган ва доимий комиссиялар қўллаб-қувватлаган таклифларни назарда тутган ҳолда палаталар бўйича алоҳида-алоҳида овоз бериб қабул қилинади. Шу Қонунни кучга киритиш тартиби тўғрисида ҳам қарор қабул қилинди.

Шундан сўнг депутатлар сессия кун тартибидаги навбатдаги масала — СССР Олий судининг фаолияти тўғрисидаги ҳисоботга ўтадилар.

Доклад қилиш учун СССР Олий судининг раиси депутат **В. И. Теребилов**га сўз берилади.

Иттифоқ Совети қонун лойиҳаларини тайёрлаш комиссияси раисининг ўринбосари **А. А. Титаренко** СССР Олий судининг фаолияти тўғрисидаги ҳисобот юзасидан СССР Олий Совети палаталари қонун лойиҳаларини тайёрлаш комиссияларининг қўшимча докладини қилди.

Мамлакатнинг олий суд органи, деди нотиқ, умуман СССР Конституцияси, СССР Олий суди тўғрисидаги Қонун ва бошқа қонун актлари билан зиммасига юклатилган вазифалар бажарилишини таъминлаб келмоқда. Олий суд ўз ишини партия XXVII съезди ҳамда КПСС Марказий Комитети кейинги Пленумларининг социалистик қонунчиликка қатъий риоя этишни таъминлаш тўғрисидаги кўрсатмаларига асосланиб қурмоқда.

Олий суд қуйи судларнинг қарор ва ҳукмлари устидан тушган шикоятларни кўриб чиқиш борасида катта иш қилди. Назорат тартибида текшириб кўрилган ишлар сони, судлар асоссиз равишда чиқарган ҳукмлар устида норозиликлар сони кўпайди.

Қўшимча докладчи мана шу ва бошқа ижобий жиҳатларни айтар экан, олий суд фаолиятида камчиликлар ва фойдаланилмаган имкониятларни айтиб ўтди.

Палаталар қонун лойиҳаларини тайёрлаш комиссиялари олий суд одил суд қилаётганида қонунларни тўғри ва бир хил тарзда қўлланишни таъминлаш ишида СССР Прокуратураси билан, СССР Юстиция министрлиги билан етарлича ҳамкорлик қилмаяпти, деган фикрда эканликларини таъкидлади.

Олий суд раҳбарий изоҳлар тайёрлашда демократик асосларни кенгайтириши, кўриб чиқилаётган проблемаларни янада чуқур ва ҳар томонлама ўрганиб чиқиши, бунга олимларнинг ҳамда қуйи судлар ходимларини активроқ жалб этиши, шунингдек СССР Давлат арбитражи билан мунтазам алоқаларни йўлга қўйиши лозим кўринади.

Судлар кўриб чиқаётган ишлар сонининг кўплиги, мамлакатда судланиш ҳали юксак даражада эканлиги олий суддан ҳар бир суд ишидан ижтимоий ахлоқ ва амалий сиёсат сабоқлари чиқарилмоғи кераклиги тўғрисида ленинча қоидани оғишмай амалга оширишда кўпроқ активликни талаб этади, деди нотиқ. Олий суд ўзига Конституция бериб қўйган қонун чиқариш тўғрисида таклифлар бериш ҳуқуқидан ҳам етарлича фойдаланмаяпти, совет қонунларини такомиллаштириш юзасидан камдан-кам конкрет таклифлар киритади.

Депутатлар СССР Олий судининг фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни муҳокама қилишга киришадилар.

Украина ССР Олий Совети Президиумининг раиси депутат **В. С. Шевченко** СССР Олий судининг фаолияти тўғрисидаги ҳисобот юзасидан музокараларни бошлар экан, демократия ва ошкораликни кенгайтириш, уюшқоқлик ва интизомни ошириш, қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, социал адолатга риоя этиш — қайта қуришни ривожлантиришнинг муҳим омилларидир, деб таъкидлади.

Депутатнинг фикрича, мамлакат олий судининг фаолияти партиянинг ҳуқуқни муҳофаза этиш органлари ишини такомиллаштириш борасидаги талабларига ҳозирча тўла йўсинда мос эмас.

Литва Компартияси Марказий Комитетининг секретари депутат **Л. К. Шепетис** ҳуқуқ системасини тубдан қайта қуриш — мураккаб ишдир, деган хулоса чиқарди. Адолат тикланмоқда, аммо ҳали тўғри баҳо берилмаган воқеалар ҳам бор. Нотиқ демократиялаштиришни тавсиф этишга ҳам тўхталди. Бу тушунчани қуюшқондан чиқиш, ўзининг худбинлик мақсадларини, шу жумладан миллатлараро муносабатлардаги мақсадларини намоён этиш имконияти деб талқин этаётган кишилар йўқ эмас. Бизни қандай яшашга ўргатиш орзумандлари бўлмиш баъзи Ғарб ҳаваскорлари ишларимизга аралашишга уриниб, шу кишиларни қўллаб-қувватламоқдалар. Бу машғулот истиқболсиздир.

КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Партия контроли комитети раисининг биринчи ўринбосари депутат **И. С. Густов** гапириб, олий судга аслида мамлакатимизда аниқ, тўғри қонун талабларига тўла мувофиқ одил суд қилиш масъулияти юкланган, деб таъкидлади. Судлар тергов материалларини талабчанлик билан баҳолайдиган, қонун талабларини тўлароқ назарда тутадиган бўлишди. Айни маҳалда нотиқ судлар асоссиз қарор ва ҳукмлар чиқараётган ҳоллар, совет граждандари қонуний ҳуқуқларини бузиш фактлари ҳали ҳам учраётганлигини айтди.

Волжск электромеханика заводининг (Волгоград области) техник технологи депутат **Т. В. Кривоногова** меҳнаткашларнинг ҳуқуқий тарбияси масалаларига тўхталди. Депутат саноат табиатни муҳофаза этиш қонунларига риоя этмаганлиги натижасида Волжск шаҳридаги оғир экологик вазият ҳақида ҳам хабар қилди. У ҳукуматга ва олий судга мурожаат этиб, бу муаммони ҳал этишда ёрдам беришларини сўради.

Кейинги йилларда СССР Олий суди қонунчиликни мустаҳкамлаш масалалари билан актив шуғуллана бошлади, деди Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти Бош сиёсий бошқармасининг бошлиғи, армия генерали депутат **А. Д. Лизичев**.

Нотиқ Бош сиёсий бошқарма ҳузурида ҳуқуқий тарбия мувофиқлаштириш методик кенгаши ишлаб турганлигини, ҳарбий хизматчиларнинг юридик умум таълими ташкил этилаётганлигини гапириб берди.

Ҳуқуқни муҳофаза этиш органлари фаолиятининг яхшиланиши, одил суд ролининг оширилиши, совет гражданларининг ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза этишда қонунчиликнинг мустаҳкамланиши — буларнинг ҳаммаси мамлакатимиздаги туб ўзгартишларининг ўзаро боғлиқ мужассамидир, деди СССР юстиция министри депутат **Б. В. Кравцов.** Қонунчилик режими бундан буён ҳам мустаҳкамланиб боравериди.

Нотиқ судларнинг кадрлар состави тўғрисида гапириб, судьялар билимдон, юксак инсоний, жанговарлик фазилатларга эга бўлиши керак, деб таъкидлади. Улар юксак даражада принципиал, меҳрибон ва диққат эътиборли кишилар бўлиши лозим.

Халқ депутатлари Олтой ўлка Совети ижроия комитетининг раиси депутат **А. А. Кулешов** совет қонуни обрў-эътиборини кўтариш учун мамлакатда ҳуқуқий ислоҳот зарур, деди.

Аҳоли кенг оммаси ҳуқуқ татбиқ этиш органлари фаолияти мазмунининг характеридан ҳали оз хабардордир. Ҳуқуқни менсимаслик, юридик нигилизмнинг сабаблари кўп жиҳатдан мана шулардадир.

Белгород область Короча районидаги К. Маркс номли колхоз раиси депутат **А. И. Мозговой** нутқида суд фаолиятининг агросаноат соҳасига алоқадор йўналишларига эътибор берилди. Яқиндагина мустақил иш тутган ва хўжалик фаолиятида бўлган раҳбарлар, шу жумладан колхоз раислари ва совхоз директорлари кўпинча суд қора курсисига ўтириб қолишарди. Чунончи, уларнинг бутун айби қонунни эмас, балки эскирган идоравий йўл-йўриқларни бузишдан иборат бўларди.

Ҳозир раҳбарлар асоссиз жиноий жавобгарликка тортилишдан чўчимайдилар.

Масалалар қўйилишининг конкретлилиги, кескинлиги колхоз раиси ва бошқа депутатларнинг ҳам нутқларида тилга олинди. Бу масалалар жумладан, суд фаолиятига аралашганлик учун жавобгарликка, кўп хил категориядаги ходимларнинг меҳнат низолари бўйича судда ҳимоя қилиш ҳуқуқи берилишига таллуқли эди.

Депутат **Б. Н. Пономарев**, айниқса, балоғатга етмаганлар орасида жиноятларнинг олдини олиш профилактика тадбирлари программасини ишлаб чиқиш учун СССР Олий судига Прокуратура ва Юстиция министрлиги билан биргаликда жиноятчилик сабабларини муттасил ўрганиб боришни топширишни таклиф қилди. Жиноятчилик бор экан, профилактика системаси ҳам бўлиши тўғрисида ўйламоқ керак, деб таъкидлади у.

КПСС Марказий Комитетининг секретари депутат **А. И. Лукьянов**га сўз берилади. ССР Иттифоқи Бош прокурори А. М. Рекунков яқинда Олий Совет Президиуми ҳамда Марказий Комитетга мурожаат этиб, саломатлиги ёмонлашганлиги туфайли пенсияга чиқиши муносабати билан у ўзини Бош прокурор вазифасидан озод қилишларини сўради, деди у. Партия Марказий Комитети ва Олий Совет Президиуми топшириғига биноан ана шу илтимосни қўллаб-қувватлаш таклиф қилинади.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Олий Совети Президиумининг топшириғига биноан А. Я. Сухаревни ССР Иттифоқи Бош прокурори қилиб тайинлаш тўғрисидаги таклифни сизларнинг муҳокамангизга қўяман, деб давом қилди нотиқ. А. Я. Сухарев 1923 йилда туғилган, рус, 1942 йилдан партия аъзоси, маълумоти юрист, юридик фанлари кандидати. Улуғ Ватан урушининг қатнашчиси, жанговар мукофотлар олган. Комсомол Марказий Комитети ва партия Марказий Комитети аппаратида кўп йиллар мобайнида масъул комсомол ҳамда партия ишида бўлган.

А. Я. Сухарев юстиция муассасаларида катта амалий иш тажрибасига эга. Қарийб 14 йил СССР Юстиция министрининг биринчи ўринбосари ва тўрт йилдан кўпроқ Россия Федерациясининг Юстиция министри бўлган, судлар, адвокатура, нотариат ишларини яхшилаш учун, қонунларни ривожлантириш, халқ хўжалигида ҳуқуқий ишларни такомиллаштириш учун кўп ишлар қилган. Мамлакатимиз юридик жамоатчилиги ўртасида ва чет элларда муносиб обрў-эътибор қозонган. Совет юристлари уюшмасининг президентидир.

Шу йил февралида А. Я. Сухарев СССР Бош прокурорининг биринчи ўринбосари қилиб тайинланган эди. Энди у мамлакатимизда қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш ишида асосий позициялардан бирини эгалловчи бутун прокуратура органлари системасига бошчилик қилиши таклиф этилмоқда.

**А. Я. Сухарев** бир овоздан СССР Бош прокурори этиб тайинланди. А. М. Рекунков шу лавозимдан озод қилинди.

Шундан сўнг СССР Олий Совети Президиумининг секретари **Т. Н. Ментешашвили** СССР Олий Совети Президиуми Фармонларини тасдиқлаш ҳақида доклад қилди.

Сессия тегишли қонунлар ва қарорларни қабул қилди.

Шу билан ўн биринчи чақириқ СССР Олий Советининг тўққизинчи сессияси ўз ишини тугатди.

(ТАСС).

*• Бугун—Химиклар куни •*

# АРЗОН ВА ЗАРАРСИЗ

Химия соҳасида олиб борилаётган изланишларда республикамиз химия-физика полимерлар институтининг синтез полимерлар лабораторияси ходимлари эришаётган натижалар алоҳида эътиборга лойиқ. Бу ерда бир неча йиллардан бери илм билан шуғулланаётган химия фанлари кандидати Насрулло Абдувалиев ҳамда кичик илмий ходим Алишер Набиевлар устозлар изидан бориб чиқиндилардан унумли фойдаланиш муаммоларини ҳал этдилар. Хусусан, ёғ-мой заводидан чиқадиган соапсток чиқиндиси асосида заҳарсиз барқарорлаштиргич маҳсулотлар олиш йўлини топдилар. Химия фани берган бу янгилик ўзининг арзонлиги ва бошқа бир қанча фойдали томонлари билан шу пайтгача қўлланиб келинган поливинилхлориддан афзалдир.

Шу кунларда Гулистон ёғ-мой экстракция қилиш заводида соапсток асосида барқарорлаштиргични олиш жараёни синовдан ўтмоқда. 8 минг килограммдан кўпроқ миқдорда тайёрланган бу маҳсулотни синтез қилишда корхона директори Хотам Саидахмедов ҳамда Тошкент политехника институти доценти Маҳкам Турсуновлар яқиндан ёрдам бермоқдалар. Ана шу чиқарилган модда асосида Фарғона сунъий чарм заводида 250 минг квадрат метрдан ортиқ плёнка маҳсулотлари ва сунъий чарм ишлаб чиқарилди.

Химия ишлаб чиқаришида поливинилхлорид ёрдамида 3 минг хилдан кўпроқ ҳар хил маҳсулот ишлаб чиқарилаётганлигини ҳисобга олсак, ёш олимлар тадқиқотининг нақадар муҳимлиги яна бир бор ҳис этилади. Линолеум, сунъий чарм, усти резинка билан қопланган симлар, қувур ва шланглар ана шулар жумласига киради.

Ажойиб хусусиятларга эга бўлган бу полимер камчиликлардан ҳам ҳоли эмас. У иссиқлик таъсирида ҳамда ҳаводаги кислород таъсирида ўзининг физик, механик хоссаларини йўқотади. Шунинг учун поливинилхлорид маҳсулотларини тайёрлашда унинг таркибига барқарорлаштиришувчи моддалар киритилади. Эндиликда қимматбаҳо ҳамда зарарли бўлган барқарорлаштиргичлар ёш тадқиқотчиларнинг изланиши туфайли юқорида айтганимиздек, арзон ва заҳарсиз ҳолда тайёрланмоқда.

Д. АҲМЕДОВ.



Суратда: институт ёш олимлари, химия фанлари кандидати Н. Абдувалиев ва кичик илмий ходим А. Набиевлар лабораторияда.

Автор фотоси.

